

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭШМЕТОВ РАСУЛБЕК ЖУМЯЗОВИЧ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН СИРТ-ФАОЛ МОДДАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ
ЮҚОРИ ҚОВУШҚОҚЛИ МАҲАЛЛИЙ НЕФТЛАРНИ
УЛЬТРАТОВУШЛИ ДЕЭМУЛЬГИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Эшметов Расулбек Жумязович

Ишлаб чиқилган сирт-фаол моддалардан фойдаланиб маҳаллий юқори қовушқокли маҳаллий нефтларни ультратовушли деэмульгирлаш

технологияси 3

Эшметов Расулбек Жумязович

Технология ультразвукового деэмульгирования высоковязких местных нефтей с использованием разработанных поверхностно-активных

веществ 29

Eshmetov Rasulbek Jumyazovich

Technology of ultrasonic demulsification of high-viscosity local oils using developed surfactants

53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭШМЕТОВ РАСУЛБЕК ЖУМЯЗОВИЧ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН СИРТ-ФАОЛ МОДДАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ
ЮҚОРИ ҚОВУШҚОҚЛИ МАҲАЛЛИЙ НЕФТЛАРНИ
УЛЬТРАТОВУШЛИ ДЕЭМУЛЬГИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/T433 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Босит Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Фозилов Садриддин Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Хандамов Даврон Абдукодирович
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «16» ноябрь 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2021 йил « 3 » ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 3 » ноябрь № 11 - рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Ш.А.Кулдашева

В.б.Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к.ф.д.

Ш.С.Намазов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосори, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть ва ундан олинадиган маҳсулотлар давлатлар иқтисодиётини кўтарувчи асосий омиллардан биридир. Йилдан-йилга нефть захираларининг камайиб бориши, улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Сувнефтли эмульсияларини (СНЭ) сувсизлантириш ва тузсизлантириш асосий тайёрлаш жараёнларидан бири бўлиб, унинг натижасида кейинги босқичдаги ускуна ва жиҳозларни коррозиясини олди олинади. Буни эса турли деэмульгаторлар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун табиий ёки синтетик хомашёлардан деэмульгаторлар олиш ва уларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларида қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда барқарор сувнефтли эмульсияларни, нефтешламларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун кимёвий, механик ва электрокимёвий усуллардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, хусусан, сувнефтли эмульсиялар, нефтешламларнинг таркиби ва хусусиятларини уларнинг барқарорлигига, кимёвий ва физик усуллар таъсирини аниқлаш; барқарор сувнефтли эмульсиялар ва нефтешламларни парчалаш учун самарали деэмульгаторларни танлаш; турли сувнефтли эмульсияларини деэмульгирлашни кимёвий, электрокимёвий ва механик усулларини бирлаштириб қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда турли саноат чиқиндилари ва маҳсулотлари асосида маҳаллий деэмульгаторларни синтез қилиш ва уларни маҳаллий енгил, оғир нефтларни сувсизлантириш, тузсизлантириш жараёнларида қўллашда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹. муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёлар асосида СФМ олиш ва кимёвий, электрофизик усулларни комбинацияси асосида сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Маҳаллий хомашёлар асосида нефтшлами ва барқарор сувнефтли эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун самарали деэмульгаторлар синтезига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Heriot-Watt University (БАА), China University of Petroleum (Хитой), Norway University of Science a Technology (Норвегия), University of Tehran (Эрон), Texas A&M University (АҚШ), Robert Gordon University (Буюк британия), SAIT (Канада), King Fahd University of Petroleum and Minerals (Саудия Арабистон), Australian Curtin University of Technology (Австралия), Chemical Engineering University of Baghdad (Ироқ), National of Technics (Бразилия), И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети (Россия), Қозоғистон нефт ва газ институти (Қозоғистон) ва Умумий ва ноорганик кимё институти., И.А. Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти олиб борилмоқда.

Табиий ва сунъий хомашёлар асосида олинган деэмульгаторларни ва бошқа электрофизик усулларни қўллаш орқали турғун СНЭ ва нефтларни парчалашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: тўйинмаган ёғ кислоталари асосида деэмульгатор синтез қилинган (Texas A&M University (АҚШ)); олеин кислотаси асосида алкирланган амидларни сульфурлаб, нейтраллаш орқали деэмульгатор олинган (China University of Petroleum (Хитой)); кастор мойини сульфурлаш орқали деэмульгатор олинган (National of Technics (Бразилия)); ёғ кислоталарини оксиэтиленлаш орқали ноионоген СФМ олиш технологияси яратилган (И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети (Россия)).

Дунёда нефтшламларни ва барқарор эмульсияларни тузсизлантириш ва сувсизлантириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги ионеген ва ноионоген СФМ синтез қилиш; саноат чиқиндилари асосида СФМ олиш технологияси ишлаб чиқиш; кимёвий ва электрофизик деэмульгирлаш жараёнларини комбинация усулларини ишлаб чиқиш; ноанъанавий физик-кимёвий усулларни қўллаш; синтетик деэмульгаторларни синтез қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда турли табиий ва сунъий хомашёлардан олинган бир неча истиқболли деэмульгаторлар ва уларнинг композициялари мавжуд. СФМ лар ва уларнинг композицияларни қўллаш орқали турғун сувнефтли эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш амалга оширилади. Бу ишлар бўйича кўплаб чет эл

² Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари таҳлили: <https://science.sciencemag.org/content/220/4595/365>, <https://www.annualreviews.org/doi/abs/10.1146/annurev.matsci.27.1.89>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа ҳаволалар.

олимлари жумладан: J.A.Pollard, A.G.Heggem, K.F.Gray, H.W.Percins, I.P.Weichert, Э.Г.Агабалянц, Н.Н.Круглиц, С.А.Капустин, Н.Д.Рябова, П.П.Дмитриев ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Республикада К.С.Ахмедов ва Э.А.Ариповлар тамонидан сирт фаол моддалар (СФМ) олиш бўйича илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари С.А.Зайнутдинов, М.Н. Набиев, У.К.Ахмедов, С.С.Хамраев, Б.Н.Ҳамидов, С.М.Туробжанов, А.Т.Жалилов, С.А.Абдурахимов, Ф.М.Юсупов, Д.С.Салиханова ва бошқалар унинг ривожланишига салмоқли хисса қўшдилар.

Адабиётларда барқарор сувнефт эмульсияларини (СНЭ) турли деэмульгаторлар ёрдамида парчалаш усуллари ва ташқи таъсирнинг механик усуллари (масалан, ультратовуш) ҳақида маълумотлар мавжуд. Жараёнларнинг бу комбинацияси қимматбаҳо деэмульгаторлар истеъмолни камайтириш, барқарор сувнефт эмульсияларини (СНЭ) парчалаш вақтини камайтириш ва қайта ишланаётган мойдан сувни иложи борича олиб ташлаш имконини беради. Шу билан бирга, маҳаллий саноат чиқиндилари, хомашёлари асосида деэмульгаторлар синтези ва ноанъанавий электрофизик усулларни қўллаб, барқарор сувнефт эмульсияларини парчалаш бўйича етарлича ишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертацияда бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА–А13–Т131 «Ўсимлик хом ашёсини қайта ишлаш маҳсулоти ҳамда рангли металлургия ва нефт-газнинг қайта ишлаш чиқиндилари технологик эритмаларини адсорбцион тозалаш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади синтез қилинган сирт фаол моддалар ёрдамида юқори қовушқоқли маҳаллий нефтларни ультратовушли деэмульгирлаш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий юқори қовушқоқликдаги нефтларнинг таркиби ва хоссаларини уларнинг барқарор эмульсияларини ҳосил қилиш нуктаи назаридан ўрганиш;

барқарор сувнефт эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун деэмульгаторлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашёларни танлаш;

ўсимлик мойларини сульфурлаб, гидролизлаб олинган СФМ ларни коллоид-кимёвий ва деэмульгирлаш хоссаларини ўрганиш;

глицерин, мочевинадан синтез қилинган СФМ ва уларнинг композициясини олиш ва уларнинг деэмульгирлаш хоссаларини ўрганиш;

барқарор сувнефт эмульсияларини синтез қилинган деэмульгаторлар ва ультратовуш ёрдамида парчалашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

СФМ лар олиш ва улар ёрдамида юқори қовушқоқли маҳаллий нефтларни ультратовушли деэмульгирлашнинг технологиясини ишлаб чиқиш;

тажриба синовлари ўтказиш ва ишлаб чиқилган технологияни саноатда қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Кўкдумалоқ”, “Джаркўрғон”, “Шўрчи”, “Мингбулоқ” СНЭ, ўсимлик мойлари, сульфат кислотаси, глицерин, мочевина улар асосида олинган СФМ лар ва уларнинг композициялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сульфурланган, гидролизланган ўсимлик мойи, деэмульгаторлар синтези, уларнинг коллоид-кимёвий ва деэмульгирлаш хоссаси, ультратовуш таъсири ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий ва анъанавий усуллардан физик-кимёвий (ИК-спектроскопия) ва коллоид-кимёвий (кондуктометр), электрон-микроскопик таҳлилларнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масхар ва пахта мойларини сульфолаб, сўнгра гидролизлаш орқали сирт фаол модда олинган ва ҳосил бўлган модда таркибида карбоксил (-COOH) ва сульфо (-OSO₃H⁺) гуруҳларининг сирт фаолликни юзага келтириши уларнинг коллоид кимёвий хусусиятлари орқали асосланган;

глицерин ва мочевинанинг 1:3 нисбатда синтези натижасида юқори сирт фаолликка эга моддалар олинган ва уларнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари асосланган;

СФМ эритмасини 0,2-0,3 % концентрацияли ораликларда деярли тўғри чизиқли ҳолат кузатилиб, бу асосан МКК (мицелланинг критик концентрацияси) кўрсаткичини кўрсатиб, хамма намуналар учун МКК деярли бир хил кўрсаткичга эга эканлигини, фақатгина бу эритмалар ўзининг қовушқоқлиги билан бир-биридан фарқ қилиб, қуйидаги қатор кетма-кетлигига ФЛЭК-Д-003>SD-1>SD-2 ўзгариши асосланган;

иссиқлик ҳаракати интенсивлиги ошиши билан СФМ лар қутубли гуруҳлари гидратацияси (-COONa, -COOH, -OSO₃Na) камайиб, мицелла ҳосил бўлиши, ҳароратни ошиши сув молекулаларининг тартибсиз ҳаракатига олиб келиши, сувни гидрофоб зарралардан, яъни СФМ ларнинг углеводород радикалларида “қутилиш”га ҳаракат қилиши, яъни ҳарорат ошиши билан сувда гидрофоб таъсирларнинг кучайиши МКК катталигининг камайишига олиб келиши аниқланган;

синтез қилинган СФМ ларнинг деэмульгирлаш жараёнлари мақбул шароитлари, яъни, Кўкдумалоқ СНЭ учун деэмульгатор сарфи 100 г/т ва ҳароратни 60 °С, деэмульгирлаш вақтини 150 дақиқа, Джаркўрғон СНЭ сарфи 150 г/т ва ҳароратни 60 °С, деэмульгирлаш вақтини 150 дақиқа эканлиги аниқланган;

УТТ нинг таъсир йўналишларини параллел равишда таъсир эттириш натижасида, сув глобулаларининг ташқи қобиғига босим ва ҳарорат таъсирида кавитация бўлиб, натижада парчалаш жараёни жадаллаштириши аниқланган;

УТТ ва синтез қилинган СФМ лар ёрдамида деэмульгирлаш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланди, унга кўра: Кўкдумалоқ СНЭ

ларни деэмульгирлашда УТТ частотаси 15 кГц (УТТ вақти 3 минут), деэмульгатор сарфи 80 г/т, вақти 120 минут, ҳарорат 45 °С, Джарқўрғон СНЭ учун эса УТТ частотаси 15 кГц (УТТ вақти 3 минут), деэмульгатор сарфи 120г/т, вақти 120 минут, ҳарорат 45 °С.

ишлаб чиқилган сирт-фаол моддалар фойдаланиб, юқори қовушқоқли маҳаллий нефтларни ультратовушли деэмульгирлаш технологиясини ишлаб чиқилган ва техник иқтисодий кўрсаткичлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўсимлик мойлари ва унинг маҳсулотлари асосида СФМ лар ва уларнинг композициялари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган деэмульгаторлар ёрдамида барқарор сувнефт эмульсияларини парчалашда ультратовушли жадаллаштириш технологиясини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (калориметрик, микроскопик, ИК-спектр) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида ва саноат-тажриба синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимлик мойларини сульфирлаш, гидролизлаш жараёнларини ўрганиш ва глицерин, мочевина асосида синтез қилиб СФМ олиш, шунингдек олинган СФМ лар ёрдамида деэмульгирлаш жараёнларини УТТ ёрдамида сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини жадаллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти барқарор сувнефтли эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун СФМ олиш, деэмульгирлаш жараёнларини УТТ ёрдамида жадаллаштириш ҳамда ўқув муассасаларида нефтни тайёрлаш ва қайта ишлаш технологияси соҳаларида бакалаврларни ва магистрлар тайёрлашда ўқув жараёнларида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яратилган сирт фаол моддалар ёрдамида юқори қовушқоқ маҳаллий мойларни ультратовушли парчалаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефтни сувсизлантириш учун ионоген деэмульгатор олиш учун техник шарти «Ўзстандарт» агентлиги тамонидан тасдиқланган (Ts 17088447-03:2019). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараённи назорат қилиш имконини берган;

барқарор сувлинефт эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун деэмульгаторлар ва уларнинг композициясининг олиш технологияси «Ўзбекистон республикаси энергетика вазирлиги» нинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон республикаси энергетика вазирлиги» нинг 2021 йил 23 сентябрдаги 02-26-5032-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи СФМ лар олиш ва улар

асосида СНЭлари таркибидан туз ва сув миқдорини 95-96 % гача тозалаш имконини беради;

SD-1, GMD-3 ва KM-1 деэмульгаторлари ва УТТ ёрдамида СНЭ ларини деэмульгирлаш технологияси «Ўзбекистон республикаси энергетика вазирлиги» нинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон республикаси энергетика вазирлиги» нинг 2021 йил 23 сентябрдаги 02-26-5032-сон маълумотномаси). Натижада, СФМ ларни қўллаб, деэмульгирлаш жараёнини 2 баровар жадаллаштириш, СНЭлари таркибидан туз ва сув миқдорини 97-99 % гача тозалаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та ҳалқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 173 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юқори қовушқоқли нефтларни деэмульгирлаш технологиялари ва уларни истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида, юқори қовушқоқли нефтларни деэмульгирлаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари, юқори қовушқоқли нефтларни деэмульгирлаш учун сирт-фаол моддалар ишлаб чиқиш ва қўлланиши, юқори қовушқоқли нефтларни деэмульгирлаш жараёнини жадаллаштиришнинг ноанъанавий усуллари, турли таркибли нефт тизимларига ультратовушнинг таъсири, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган.

Нефт ва ундан олинган маҳсулотлар нефтли дисперс системалар ҳисобланиб (НДС), дисперс фаза, дисперс муҳит ва фазалараро чегара сиртга эга бўлганлиги сабабли, коллоид-кимёвий ва структуравий-механик хоссаларни намоён қилади. Нефтли тизимларга дисперс фаза ҳосил бўлиши

хос бўлиб, бу асосан малекулалараро алоқа ва фазовий ўзгаришлар ҳисобига бўлади. Нефтли дисперс системалар ньютон суяқлиги бўлмай, шакли, ўлчами ва дисперс фаза зарралари структураси нефтли дисперс системалар ва уларнинг таркиби ва структура ҳосил қилувчи асосий компонентлар бўлган парафин, смолалар ва асфалтенлар борлиги ҳисобига бориши таҳлил қилинган. Сирт-фаол моддаларни ва бошқа ташқи таъсирларни нефтни қайта ишлашга тайёрлаш жараёнларини жадаллаштиришда қўлланиши кўриб чиқилган. Барқарор сувнефтли эмульсияларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун деэмульгаторлар синтез қилиниши ва уларнинг коллоид-кимёвий асослари тўғрисида маълумотлар батафсил келтирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг **“Юқори қовушқоқли сувлинефт эмульсияларини деэмульгирлаш жараёни тадқиқот объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида барқарор сувнефтли эмульсияларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришни лаборатория қурилмаси тавсифи, нефтларни таркибини таҳлил қилишнинг асосий усуллари, маҳаллий нефтларни ва уларнинг сувнефтли эмульсиялари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Қуйида 1-жадвалда танлаб олинган нефт конлари асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

“Кўкдумалоқ”, “Шўрчи” “Мингбулоқ” ва “Джарқўрғон” нефть конларининг асосий технология кўрсаткичлари

Нефть кўрсаткичлари	Нефть конларининг номи			
	Кўкду-малоқ	Шўрчи	Мингбулоқ	Джарқўрғон
Зичлиги 20 °С, г/см ³	0,850	0,868	0,996	0,998
Қотиш ҳарорати, °С	паст 0	паст 0	23,0	25,0
Таркиби, % масс: -асфальтенлар	2,85	3,12	4,77	4,95
-катронлар	1,49	1,77	8,74	8,27
-парафин	3,15	5,19	6,57	7,43
-силикатли-катронлар	4,52	6,45	36,14	39,04
-олтингурут	1,95	2,35	8,29	10,71
-кокслар	2,29	4,98	8,82	9,21
Қайнаш ҳарорати, °С	65,0	69,0	131	143
150 °С гача бўлган енгил фракциялар, %	83,75	76,14	26,67	20,39

Келтирилган 1-жадвалдан кўришингиз мумкинки, Кўкдумалоқ ва Шўрчи конининг нефти таркибида асфалтенлар (2,85 %) қолган қисми эса енгил нефтларга тегишли эканлиги келтирилган. Бундай нефтлардаги эмульсияларни барқарорлиги 35 % дан ошмайди. Мингбулоқ конининг нефти парафинли нефтларга тегишли бўлиб, 25-60 °С да эмульсиясининг барқарорлиги 55 % дан ортмайди. Джарқўрғон конининг нефтини юқори

қатронли (19,56 %) ва паст олтингугуртли (0,28%) ўртача катталиқдаги нефтларга киритиш мумкин. Бундай нефтлар 25-28 °С да ҳосил бўлган эмульсиянинг барқарорлиги 35 % дан ошмайди.

Келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, енгил ва ўрта нефтларнинг таркибида 10 дан 100 м³/т гача, парафинли нефтларда 30 дан 200 м³/т гача ва юқори смолали нефтларда 0 дан 10 м³/т гача газлар мавжуд бўлади. Маҳаллий нефтларнинг юқорида келтирилган кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 20 °С ҳароратда ва фазаларнинг интенсив аралашмасида максимал 66 % сув бўлган эмульсиялар ҳосил бўлади ва нефтни 60 °С гача қиздирилгандан кейин ҳам сувларни ажралмаганлигини кўришимиз мумкин. Шунини таъкидлаш кераки енгил ва ўрта нефтларда барқарор сувнефтли эмульсия бўлмаслиги аниқланди, лекин нефтга 15 °С ҳароратдан пастда таркибида механик аралашмалар миқдори ошган ҳоллар бундан мустасно (0,6 % дан ортиқ) ҳисобланади.

Шунинг учун сувсизлантириш ва тузсизлантириш вақтида уларнинг таркибини ҳисобга олиш шарт.

Бундан ташқари нефтларни ва синтез қилинган сирт-фаол моддаларнинг хусусиятларини ўрганиш мақсадида ИҚ-спектроскопия, электрон микроскопия, кондуктометр, сирт таранглиги, қовушқоқлигини аниқлаш усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг **“Маҳаллий юқориқовушқоқли сувнефтли эмульсияларнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида нефть конлари ва барқарор сувнефтли эмульсияларни ҳосил қилувчи таъсирлар ўрганилган, бундан ташқари маҳаллий сувнефтли эмульсияларнинг кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Кўкдумалоқ ва Джарқўрғон конларидаги нефтларнинг таркибидаги кўшимча моддаларни, яъни смолалар, асфальтенлар, парафин ва бошқа эмульгатор вазифасини бажарувчи баъзи моддалари миқдори ўрганилди ва олинган натижалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал.

Кўкдумалоқ ва Джарқўрғон кон нефтларининг таркиби


Кон номи	Миқдори, % масс				
	Асфальтен	Қатрон	Парафин	Олтингугурт	Кокс
Кўкдумалоқ	2,85	4,55	3,7	2,12	7,35
Джарқўрғон	5,47	18,54	7,4	5,35	8,95

Келтирилган (2-жадвал) маълумотлардан кўриш мумкинки, Джарқўрғон конидан олинган сувнефт эмульсияси таркибида Кўкдумалоқ нефтига нисбатан тахминан икки баробар кўп асфальтенлар борлиги кўрсатилган. Бундан ташқари Джарқўрғон нефтида бир неча баробар кўп бўлган қатрон, парафин, олтингугурт борлиги келтирилган.

Нефтнинг таркибида сувнинг мавжудлиги албатта уларнинг физик-химёвий хоссаларини ўзгартиради. Маълумки, қазиб чиқарилган нефтлар қувурлар орқали битта жойда тўпланadi. Нефтларни қувурларда ҳаракатланиши унинг оқувчанлигига боғлиқ ҳисобланади. Нефтларни оқувчанлиги динамик қовушқоқлик билан аниқланади. Нефтни таркибида сув миқдори қанчалик юқори бўлса, нефтни динамик қовушқоқлиги ҳам паст бўлади, агар сув миқдори кам бўлса динамик қовушқоқлик шунчалик юқори бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда нефть таркибидаги сув миқдорини динамик қовушқоқлика боғлиқлигини кузатилди. Ҳароратни ошиши қовушқоқликни пасайишига олиб келади, шу сабабли Кўкдумалок, Джарқўрғон конлари СНЭ ларининг динамик қовушқоқлигини ҳароратга таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 1 ва 2 расмларда келтирилган.



1-расм. Динамик қовушқоқликни эмульсиянинг таркибидаги сув миқдорига боғлиқлиги



2-расм. Динамик қовушқоқликни ҳароратга боғлиқлиги

Келтирилган 1-расмдан кўришиб турибдики, нефть таркибидаги сув миқдорининг юқори бўлиши (50 % гача) уларнинг динамик қовушқоқлиги кескин пасайишига сабаб бўлади. Шунингдек, СНЭ ларнинг динамик қовушқоқлигининг энг юқори бўлиши Кўкдумалок конидаги нефтида намоён бўлди.

Сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнлари Кўкдумалок нефть конларида осон кечади, чунки уларни СНЭ лари қовушқоқлиги ва эмульгатор моддаларининг миқдори пастлиги ҳисобига бўлади (1-расм).

2-расмда Кўкдумалок (1 эгри чизик), нефтининг реологик хоссаси Джарқўрғон (2 эгри чизик) кон нефтининг реологик хоссалари бирмунча фарқ қилади. Бу эса Джарқўрғон нефтини таркибида смола ва парафинлар миқдори юқорилиги билдиради.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий нефтларни таркиби, хоссалари ва эмульсияларини ўрганиб, саноатда қайта ишлашдан олдин нефтларни физик-химёвий хоссалари ўхшаш эмульсияларни аралаштиришимиз мақсадга мавофиқ бўлади. Джарқўрғон кон нефтининг СНЭ ва таркибининг ўзига хос

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа турдаги нефтлар билан аралаштирмасдан қайта ишлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

3-жадвалда республикамиздаги нефть конларининг таркиби келтирилган.

3-жадвал.

Маҳаллий СНЭ ларининг таркиби


Кон номи	сув микдори, %	механик қўшимчалар, мг/л	тузлар, мг/л	катронлар, %	парафинлар, %
Кўкдумалоқ	28-38	242-315	470	3-6	3-5
Джаркўрғон	26-54	325-488	430	5-25	4-8

Келтирилган 3-жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, маҳаллий нефтларнинг СНЭ ларни таркибида талаб этилган меъёрлардан бир неча баровар куп эканлигини кўриш мумкин.

Нефтларда сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнлари олиб борилгандан кейин, уларда электр ўтказувчанлик хоссаси деярли бўлмади, чунки сув глобулаларининг камлиги эмульсияда нефть микдори катта ҳажмда бўлганлиги сабабли диэлектрик ҳисобланади. Эмульсияларни солиштирма ҳажмий электр қаршилик хоссасига эга бўлиши, бу эмульсияларда сув томчиларининг катталиги ва барқарорлигини ифодалайди.

Тадқиқот олиб бориш мақсадида Джаркўрғон конининг барқарор СНЭ танлаб олинди, нефтларнинг зичлиги мос равишда 20 °С да 860,2 кг/м³ ва 42,1 Па*С га тенг бўлган. Нефтининг таркибида сув 30,4 %, механик аралашмалар 0.129 %, умумий олтингурут 0,26 %, парафинлар 13,4 %, смолалар 8,60 % ва асфальтенлар 1,5 % ташкил этади.

Таркибида 450,7 мг/л минерал тузлар, бундан ташқари 15,4 % ишқорий моддалар мавжуд бўлган СНЭ ва солиштирма ҳажмий электр қаршилик (СХЭҚ) махсус йиғилган қурилма ёрдамида ўлчови орқали аниқланган бўлиб, у қуйидаги 3-расмда келтирилган.



3-расм. СНЭ ларни СХЭҚ ни аниқлашнинг жараёнини чизмаси

Юқоридаги қурилма ёрдамида нефть таркибидаги сув микдори, унда эриган минерал тузлар микдори ва 20 °С ҳароратда СНЭ нинг солиштирма ҳажмий электр қаршилигига таъсири ўрганилди.

Шуни айтишиз мумкинки, СНЭ таркибда 300 мг/л минерал тузлар концентрацияси бўлганда СХЭҚ нинг ўсиш деярли ўзгармади. Буни сабаби СНЭ да сув миқдори ортиши билан туз миқдори ўзгармаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Демак, СХЭҚ нинг ўзгариши СНЭни таркибидаги туз миқдорига боғлиқлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Барқарор сувнефтли эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун сирт-фаол моддалар ва уларнинг композицияларини олиш”** деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хом ашёлардан сирт-фаол моддалар синтез қилиш ва уларни коллоид-кимёвий хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Юқори қовушқоқликка эга бўлган нефтларни таркибидан сувни ажратиш вақти (12-14 соат) дан ортиқ давом этади, таркибида асфалтенлар, смолалар, парафинлар, церезинлар, механик аралашмалар, минерал тузлар ва бошқалар миқдорининг юқорилиги қараб (2-3 суткалаб) давом этиши ҳам мумкин.

Бу турдаги эмульсияларнинг ҳосил бўлишида сув глобулаларни ташқи қобилигини эмульгаторлар ҳоссасини берувчи моддалар ўраб олиши ва бундан ташқари таркибидаги моддалар ассоциатлар ва мицеллалар ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Юқори сирт-фаолликка эга бўлган деэмульгаторлардан ортиқча миқдорда сарфланиши барқарор СНЭ ни парчалашга тесқари таъсир кўрсатади.

Маълумки ҳозирги кунда Ўзбекистонда пахта мойини техник мақсадларда углеводород эритувчиси билан экстракция қилиш йўли билан олинадиган 30 дан ортиқ йирик ёғ-мой корхоналари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Шулардан келиб чиқиб, маълум бир миқдорда сирт-фаоллик ҳоссасига эга бўлган техник пахта мойи таркибида уч глицерид, госсипол, хлорофилл ва уларнинг ҳосилаларидан фойдаландик.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мисол тариқасида пахта мойи таркибидаги госсиполни кўрсак унинг умумий формула $C_{30}H_{30}O_8$ кўринишида бўлиб, у кучли икки асосли кислота ҳисобланади, бундан ташқари полифенол сифатида ҳам ишлайди. Шундан кейин натрий ишқори эритмаси билан госсиполга ишлов берилди, натижада натрий “фенолят”лар яъни натрий госсиполатлар ҳосил бўлади.

Ҳосил бўлган натрий госсиполатлар сувда эрувчи ва юқори қовушқоқликка эга СНЭ ларни парчаловчи сирт-фаоллик ҳоссасини намоён қилувчи моддалар ҳосил бўлади.

Дунёда ишлаб чиқарилаётган деэмульгаторлар таркиби асосан этилен оксиди, пропилен, ароматик бирикмалар ва бошқа моддалар асосида синтез қилинади. Бундан ташқари ҳозирги кунда ўзида сульфо ($-SO_2OH$) ёки сульфат ($-OSO_2OH$) гуруҳларни сақлаган СФМ ларни ҳам олиш йўлга қўйилган. Шуларни инобатга олган ҳолда, ўзида олтингугуртли гуруҳларни сақлаган экстракцияланган пахта ёғидан (ЭПЁ) фойдаланиб, деэмульгирлик ҳоссасига эга бўлган СФМ нинг синтез жараёни олиб борилди.

Ёғ кислота таркиби турлича бўлиб, тўйинган ёғ кислота радикалларининг фаоллиги паст бўлганлиги сабабли, улар кимёвий реакцияларга қийин киришади. Тўйинмаган ёғ кислота радикаллари, айниқса икки ва ундан ортиқ қўшбоғлилари, ниҳоятда фаол. Улар турли кимёвий реакцияларга, жумладан, оксидланиш ва гидрогенланиш реакцияларига осон киришади. ЭПЁ таркибида тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталаридан иборат бўлиб, тўйинган ёғ кислоталари 20 дан 40 % гача, тўйинмаган ёғ кислоталари эса 60 дан 80 % гача бўлади. Шулардан келиб чиқиб ЭПЁ ни сульфат кислота билан сульфолаш реакциясини олиб борилди.

Масхар ва ЭПЁ ёғларини сульфолаш реакциясини мақбул шароитларини топиш мақсадида моддалар нисбати, ҳарорат ва вақтини ҳар хил қилиб олиб борилди. ЭПЁ ва масхар ёғларидан 100 мл дан, сульфат кислотанинг концентрацияси 50, 60, 70 % ли эритмаларидан 23, 35, 41 мл, ҳароратни 35, 50, 65 °С ва реакция вақтини 120, 150, 180 минутдан қилиб олиб борилди. Тадқиқот натижасида олинган моддаларни унуми ҳисобланди ва уними энг юқори бўлган мақбул шароит танлаб олинди, унга кўра сульфат кислота (70 %) 41 ва 35 мл, ҳарорат 35±5 °С ва вақти 150 минут қилиб белгиланди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

4- жадвал

ЭПЁ ва масхар ёғларини сульфолаш жараёни оптимал шароитлари

№	Ёғлар номи	H ₂ SO ₄ сарфи (70 %), мл	Ҳарорат, °С	Вақти, мин	Унум, %
1	Масхар	41	35±5	150	71
2	ЭПЁ	35	35±5	150	61


4-жадвалда назарий ҳисобланган сульфат кислота эритмасининг мақбул хажмини амалий исботланди. Чунки бундан ортиқ меъёрда олинган кислота миқдори реакция охирида ортиқча кислота қолиб кетишига олиб келди, аксинча келтирилган меъёрдан миқдорининг камайтирилиши реакцияда сульфолаш тўлиқ кетмаганлигини кўрсатди. Бундан ташқари ҳароратни оширишимиз ва вақтни камайтиришимиз реакция унумига таъсир кўрсатиши аниқланди. Масхар ёғи натижасида олинган сирт-фаол моддани SD-1 ва ЭПЁ ёрдамида синтез қилинган моддани SD-2 деб номланди.

Ишлаб чиқилган сирт-фаол моддани коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш мақсадида уларнинг 0,1; 0,2; 0,3; 0,4 ва 0,5 % ли эритмалари тайёрланиб қовушқоқлиги, сирт таранглиги, электр ўтказувчанлиги ва бошқа кўрсаткичлари аниқланди. Бунда олинган SD-1 ва SD-2 ларни хоссаларини ҳозирги кунда НҚИТ жараёнларидаларда ишлатилаётган ФЛЭК-Д-003 демульгатори билан таққослаб борилди. Дастлаб, синтез қилинган қилинган сирт-фаол моддаларнинг қовушқоқлигини концентрация ва ҳароратга боғлиқлиги аниқланди. Олинган натижалар қуйидаги 4,5-расмларда келтирилган.


4-расмдан кўришингиз мумкинки, СФМ ларнинг концентрацияси ошиши билан, эритманинг қовушқоқлиги тушиши кузатилди. Дастлаб концентрацияни 0,1 % га ошиши қовушқоқлик бир маромда ўзгаришини

кузатиш мумкин.

Лекин концентрациянинг кейинги оширилиши эриган модданинг миқдори ошиши ҳисобига чизиқларни поғонали ўзгаришига, яъни системада янги алоқаларни вужудга келишига ва қовушқоқликни кескин ўзгаришига олиб келади.



4-расм СФМ ларни қовушқоқлигини концентрацияга боғлиқлиги



5-расм. СФМ ларни қовушқоқлигини ҳароратга боғлиқлиги

0,2-0,3% концентрация ораликларида деярли тўғри чизикли ҳолат кузатилиб, бу асосан МКК (мицелланинг критик концентрацияси) кўрсаткичи ўтканлигини билдиради. Расмдан кўриниб турибдики, ҳамма намуналар учун МКК деярли бир хил кўрсаткичга эга эканлигини, фақатгина бу эритмалар ўзининг қовушқоқлиги билан бир-биридан фарқ қилиб, қуйидаги қатор кетма-кетлигига $\text{ФЛЭК-Д-003} > \text{SD-1} > \text{SD-2}$ мос келади. Бундай кетма-кетлик структура ҳосил қилиш хусусияти камайганлиги билан боғлиқ.

Қовушқоқлик ўлчовларини ўрганиш натижасида 2 та кўрсаткичлар МКК: ва МКК1 олинди, улар 0,2 % концентрацияда SD-1 учун ва 0,25-0,3 % SD-2. ФЛЭК-Д-003 сирт фаол моддаси учун МКК кўрсаткичи камроқ – 0,18% да кўрсатади. МКК2 ва МКК3 кўрсаткичлари аниқ кўрсатмай, лекин 0,35-0,4 % ораликларида сезилмоқда. Аниқланган МКК катталиги турли усуллар ёрдамида аниқланган (сирт таранглиги ва электр ўтказувчанлиги) кўрсаткичлар билан мос келди.


5-расмдан синтез қилинган СФМ ларни қовушқоқлигини ҳарорат ориши билан камайиб бориши, айниқса SD-1 СФМ хоссаси ФЛЭК-Д-003 деэмульгаторининг қовушқоқлигига яқинроқ самара берганлиги аниқланди.

Шунингдек деэмульгатор эритмаларининг қовушқоқлик хусусиятларини температурага таъсири ўрганилди. Бу сирт фаол моддалари ионоген турга кириб, ҳарорат ошиши билан деэмульгаторларнинг эрувчанлиги ошиши кутилиб, физик-кимёвий хусусиятларини ўзгаришига олиб келади.

Аниқландики, ҳарорат ошиши билан эрувчанлик секин аста кўпайиб, Крафт ҳароратига етканда мицелла ҳосил қилишининг критик

концентрациясига эришилади. Мицелла ҳолатига нисбатан катта миқдорда СФМ дисперсланиб, эрувчанлик ошишига олиб келиши кузатилади.

Шундан кейин синтез қилинган СФМ ларни 0,1; 0,2; 0,3; 0,4 ва 0,5 % ли эритмалар тайёрланиб сирт таранглиги ўрганилди. Сирт таранглигини



6-расм СФМ ларнинг сирт таранглигини концентрацияга бўғлиқлиги

Сталагмометр (томчиларни ҳисоблаш) усули билан тажриба олиб борилди. Олинган натижалар қуйидаги 6-расмда келтирилган.

6-расмдан кўриш мумкинки, концентрация ошиши билан сирт таранглиги ҳам камайиб боришини, яъни синтез қилинган СФМ лар ФЛЭК-Д-003 деэмульгатори натижаларига жуда яқин натижа бериб, СФМ сифатида ишлатиш мумкинлигини исботланди.

Республикамиздаги нефтларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш мақсадида чет элдан валютага деэмульгаторлар олиб келиб ишлатилмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда маҳаллий хом-ашёлардан деэмульгатор синтез қилиш мақсадида глицерин ва мочевинадан фойдаланилди. Бу реакцияни турли шароитларда (вақт, ҳарорати, нисбатларда) олиб борилди.

Глицерин ва мочевиани 1:1, 1:2, 1:3 нисбатларда аралаштирилиб, тескари совутгич ва термометр билан жиҳозланган уч оҳизли колбага жойлаштирилди ва реакцияларни 120, 140, 160 °С ҳароратларда қиздирилди.

Дастлаб реакция 30 минут давомида олиб борилади. Шундан кейин ҳароратни 70 дан 140 °С гача ошириб 3 соат давомида олиб борилди. Ҳарорат ортиши билан эса аммиак ажралиб чиқишни бошлайди. Аммиакнинг чиқаётганини нам лакмус қоғози ёрдамида аниқланди.

5- жадвал

Глицерин ва мочевина асосида СФМ синтези шароитларга бўғлиқлиги

№	Моддалар номи	Нисбати	Вақти, соат	Ҳарорат, °С	Унуми
1	Глицерин:мочевина (GMD-1)	1:1	2, 3, 4	120, 140, 160	49, 53, 55
2	Глицерин:мочевина (GMD -2)	1:2	2, 3, 4	120, 140, 160	52, 55, 59
3	Глицерин:мочевина (GMD -3)	1:3	2, 3, 4	120, 140, 160	54, 61, 64

Реакция аммиак ажралиши тўхтагунча 2,5-3 соат давом эттирилди ва реакция тугаллангандан кейин 35-45 минут давомида ҳароратни 70 °C туширилди. Натижада ёпишқоқсимон қўнғир суюқлик ажратиб олинди. Тадқиқот натижалари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.


Синтез қилинган моддаларни GMD-1, GMD-2, GMD-3 деб номланди ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганилди. Сирт таранглиги аниқлаш учун олинган СФМ моддаларнинг 0,1; 0,2; 0,3; 0,4 ва 0,5 % ли эритмалари тайёрланиб ўрганилди.

Томчи массаси капилляр радиусининг ўлчамига ва суюқлик сирт таранглигига мутаносиб бўлади. Капиллярда секин тушаётган суюқлик томчиси шар шаклида бўлишга интилади. Амалда томчининг массасини эмас, балки ҳажми ёки маълум ҳажмли идишдаги томчилар сонини аниқлаш қулай ҳисобланади. Томчилар сони суюқлик капиллярдан ўтиш вақтида аниқланади. Олинган натижалар қуйидаги 6-расмда келтирилган.


Шундан кейин моддаларнинг қовушқоқлигини ўрганиш мақсадида 0,1; 0,2; 0,3; 0,4 ва 0,5 % фоизли эритмалари тайёрланиб аниқланди. Эритмаларнинг қовушқоқлигини ўрганишда Оствалд вискозиметридан фойдаланилди.

Вискозиметр суюқликни капиллярдан оқиш вақтини ўлчайдиган асбоб бўлиб, у иккита шиша найни бир-бирига уланган бўлади. Дастлаб вискозиметрга эритувчи қуйилади, шундан кейин юқори ва пастки белгилари орасида оқиш вақти аниқланади. Эритувчи қовушқоқлиги ўлчангандан кейин полимер эритмаси қуйилади. Ҳар бир намуна уч мартадан ўлчанади. Олинган натижалар қуйидаги 7-расмда келтирилган.

6 ва 7 расмлардан кўриш мумкинки, GMD-3 деэмульгатори GMD-1, GMD-2 ларига нисбатан сирт таранглиги ва қовушқоқлиги бўйича юқорирок самара берганлигини кўришимиз мумкин.




6-расм. СФМ ларнинг сирт таранглигининг концентрацияга боғлиқлиги.




7-расм. СФМ ларнинг қовушқоқлигини концентрацияга боғлиқлиги.

Бундан ташқари синтез қилинган GMD-1, GMD-2, GMD-3 сирт-фаол моддаларини концентрацияга электр ўтказувчанлигининг ва қовушқоқлигини

ҳароратга боғлиқлигини ҳам ўрганилди. Тадқиқотни 10-50 °С гача ҳароратларда олиб борилди. Тадқиқот натижалар қуйидаги 8 ва 9 расмларда келтирилган.



8-расм. СФМ ларни қовушқоқлигини ҳароратга боғлиқлиги.



9-расм. Сирт фаол моддаларнинг электр ўтказувчанлиги концентрацияга боғлиқлиги.

Келтирилган 8 ва 9 расм натижалардан кўришингиз мумкинки, ишлаб чиқилган СФМ ларни қовушқоқлиги ҳарорат ортиши билан камаяди ва электр ўтказувчанлиги концентрация ортиши билан ортанлигини кўришингиз мумкин. Синтез қилинган GMD-1, GMD-2, GMD-3 сирт фаол моддалари орасидан GMD-3 нинг хоссаси ФЛЭК-Д-003 деэмульгаторининг қовушқоқлигига яқинроқ эканлигини келтирилган.

Маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи хом ашёлари асосида импорт ўрнини босувчи деэмульгаторлар олиш мумкин, чунки улар фаол функционал гуруҳлар сақлаши сабабли, улар асосида олинган маҳсулотлар сирт-фаоллик хоссасини намоён қилиб, деэмульгаторлик функциясини бажариши мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда, синтез қилинган GMD-1, GMD-2 ва GMD-3 моддаларни деэмульгирлик хоссасини янада кучайтириш мақсадида совунлантирилган пахта соапстоки (СПС) билан композиция қилинди. Бунинг учун дастлаб ёғ-мой корхона иккиламчи хомашёси бўлган пахта соапстокини натрий ишқорининг 5 % эритмаси билан қўшимча совунлантириш жараёнини амалга оширилди.

Ишлаб чиқилган GMD-1, GMD-2, GMD-3 ларнинг коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида маълум бўлдики, уларнинг ичида GMD-3 деэмульгатори бошқаларига нисбатан коллоид кимёвий хоссалари юқорилиги аниқланди. Шуларни инобатга олиб GMD-3 ни СПС билан композиция қилишга қарор қилдик. Яъни GMD-3 ва СПС ни 1:1, 1:2, 1:3 нисбатларида композициялар тайёрланди.

Бунда GMD-3:СПС 1:1 (К-1), GMD-3:СПС 1:2 (К-2), GMD-3:СПС 1:3 (К-3) номлари билан белгиланди. Композиция қилишимиздан мақсад


деэмульгатор нефтларнинг таркибидаги сувнефт эмульсияларни парчаласа, СПС нефтларнинг таркибидаги механик аралашмаларни чўктиришга ёрдам беради.

Тайёрланган композицияларнинг коллоид-кимёвий хоссалари ўрганилди. Бунинг учун тайёр композицияларни 0,1; 0,2; 0,3; 0,4 ва 0,5 % ли эритмалари тайёрланиб, қовушқоқлиги, сирт таранглиги ва электр ўтказувчанлиги аниқланди.


Олинган натижалардан хулоса қиладиган бўлсак, КМ-1 композициялар орасида КМ-2, КМ-3 ларга нисбатан яхшироқ ва ФЛЭК-Д-003 деэмульгаторига яқин самара берганлиги аниқланди.

Шундан кейин синтез қилинган сирт-фаол моддаларнинг деэмульгирлик хоссаларини аниқланди, солиштириш учун ФЛЭК-Д-003 деэмульгаторлари танлаб олинди.

Дастлаб, Кўкдумалоқ сувнефтли эмульсиясида деэмульгаторлар сарфини 50, 80, 100, 150 г/т, ҳароратни 15, 30, 45, 60, 75 °С, вақтини 30, 60, 120, 150, 180 минут қилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилди. Ишлаб чиқилган SD-1,2 ларнинг ичидан энг яхши натижа берганлари танлаб олинди. Олинган натижалар қуйидаги 10, 11 расмларда келтирилган.



10-расм. Кўкдумалоқ нефти эмульсиясида деэмульгатор сарфи 100 г/т бўлганда ажралган сув ва туз миқдори (ҳароратга боғлиқлиги).




11-расм. Кўкдумалоқ нефти эмульсиясида деэмульгатор сарфи 100 г/т бўлганда 60 °С ҳароратда ажралган сув ва туз миқдори (вақтга боғлиқлиги).


Тадқиқот натижасида кўришингиз мумкинки, мақбул шароит қилиб деэмульгатор сарфи 100 г/т, ҳарорат 60 °С ва вақти 150 минут эканлиги аниқланди. Сувсизлантириш жараёнида ФЛЭК-Д-003 деэмульгаторини 99% ва синтез қилинган СФМ (SD-1) 98,8%, тузсизлантиришда эса ФЛЭК-Д-003 96% ва SD-1 да 94% ажратганлиги аниқланди.

Шундан кейин олинган СФМларнинг деэмульгирлаш хоссаларини ўрганиш мақсадида Джаркўрғон нефти танлаб олинди. Деэмульгирлаш жараёнида деэмульгаторлар сарфини 80, 120, 150, 200 г/т, ҳароратни 15, 30,

45, 60, 75 °С, вақтини 30, 60, 120, 150, 180 минут қилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилди. Ишлаб чиқилган SD-1,2 ларнинг ичидан энг яхши натижа берганлари танлаб олинди. Бундан ташқари деэмульгирлашни кўрсаткичларининг мақбул шароитлари аниқланди. Тадқиқот натижалар қуйидаги 12, 13 расмларда келтирилган.



12-расм. Дзарқўрғон нефти эмульсиясига деэмульгатор сарфи 150 г/т бўлганда ажралган сув ва туз миқдори (хароратга боғлиқлиги).




13-расм. Дзарқўрғон нефти эмульсиясига деэмульгатор сарфи 150 г/т бўлганда ажралган сув ва туз миқдори (вақтга боғлиқлиги) 60 °C хароратда.

Бунда СНЭ ларни сув ва туз миқдори 60 ва 75 °C ҳароратларида яхши натижага эришилганлиги кўришингиз мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда 60 °C ҳароратни мақбул шароит деб олдик, чунки ажралган сув ва туз миқдори бир-бирига жуда яқин натижалар келтирган.


